

---

Маҳалла ёшлари волейбол бўйича “Ички ишлар вазири кубоги” мусобақасининг туман босқичида иштирок этдилар

"Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида спортнинг волейбол тури бўйича "Ички ишлар вазири кубоги" мусобақаларининг Ўзбекистон туман босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидланишича, мурасасиз ўтган ушбу баҳсларда 2 та ёш тоифасидаги йигит-қизлар ҳар бир сектордан 4 тадан, жами 16 та жамоа таркибида иштирок этишган.

Яқунда 16-21 ёш тоифасидаги ўғил болалардан иборат “Хотамтой” маҳалласи жамоаси ва “Нурсух” маҳалласининг волейболчи қизлари жамоаси ғолибликни қўлга киритди. 22-30 ёш тоифасида эса ўғил болалар ўртасида “Давлатботир” маҳалласи жамоаси биринчиликни эгаллаган.

2024-09-23 10:36:09